

электр тармоқлари корхонаси томонидан давво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади”.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси хисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий микдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хохишини билдирган истеъмолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, хисоб-китоб даври бошланишидан камда 5 кун олдин билдирги тартибда Корхонага мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда хисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варағини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир неча объектага эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура тақдим этади.

Корхона томонидан махсус дастурий махсулот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варағини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлашиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(АСОС: *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.06.2019 йилдаги 522-сонли “Ўзаро хисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги хисоб-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори*)

3.8. Хисобга олиш прибори ушбу Шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси четарасида ўрнатилмаганда, четарадан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда хисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқлашиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади.

(6-Зилваларни *решения кувватга эга ва технологик бранли истеъмолчилар тўловлари*)

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатиладиган, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфнинг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатишган электр энергияси микдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолчининг шартномада кайд этилган микдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов хисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий хисоб рақамига бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Корхона хисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб оlingандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта хисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги микдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш асбоблари (маншар истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини хисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида худудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил-электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган хисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмаг қилади.

ЭХНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг хисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камда бир марта ёки истеъмолчининг бунортмаси бўйича ёзиб олинади.

Худудий электр тармоқлари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий хисоб-рақам ва хисобга олиш асбобларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдордан 5 фоиздан ортик микдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган микдордан ортик истеъмол қилинган энергияси жазми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорда тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек хисобга олинмаган энергияни, (ноқонуний фойдаланилган электр энергияси) қайта хисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажминини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

Хисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб хисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун истеъмолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи микдорда, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз микдорда пеня хисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий микдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоиздан ошмаслиги лозим. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори асосан)

3.13. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

Агар “истеъмолчи” солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти корхонаси қарзни ундириш учун шартномавий ҳажмдан келиб чиққан ҳолда Истеъмолчининг банкдаги хисоб рақамига тўлов талабномаси қуйиш йўли билан, ҳамда бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатнома асосида “ХЭТК” томонидан мажбурий унлурувга қаратишга, шунингдек суд (судларга) ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишга ҳақли.

3.14. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:
шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

хисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини касдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиб хатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ўғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

шартнома, электр таъминоти лойиҳаси ва техник шартлар мавжуд бўлмаганда;

электр таъминот лойиҳаси ва техник шартларга мос келмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчинини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликдан озод этмайди.

Электр тармоқлари қорхоналари томонидан истеъмолчининг ҳақиқатдаги қарздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритилган ҳолда электр тармоқларидан ажратилади

3.16. Истеъмолчи томонидан қондабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари микдориди тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улугша мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилмаган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улугша мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилмаган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.19. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ги ЎРҚ 327-сон Қонунининг 28-моддасига асосан;

Оилавий қорхона турар жойдан бир вақтнинг ўзиде унда идиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлаб бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, қоммунал инфрақузишма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда иқтисомий қўмақ ва имтиёзлар бериш тўғрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон қарорининг 3-бандини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Худудийдаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб уларга кўрсатиладиган қоммунал хизматлар (табiiй газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси, электр энергияси, телефон, оқова сув ва маиший чиқиндиларини ташини)га тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчининг электр қурилмаларини Қорхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталishi ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Қорхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилishi тўғрисида белгиланган тартибда тақлифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича тақлиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши ва сураётган қушимча микдор учун 100% олдиндан тўлов амалга оширилган булиши лозим;

электр энергияси тўлик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарини белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия микдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарини қоплашини талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахста) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Қорхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

эгаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш, ижарага расмийлантириш ёки бошқа сабабларга кура кучиб кетган тақдирда, бу ҳақда электр таъминоти қорхонасини ёзма равишда хабардор қилиш;

ЭЭХНАТ (АСКУЭ) тизимини барқарор доимий ишлаб туришини таъминлаш;

энергетика тизимининг «Электрхисоб» компьютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон рақамига (боғланиш нуқтасига) «СМС» орқали юборилган хабарнома, оғохлантириш хатларига ўз вақтида муносабатларини билдириш ва зарур ҳолда дарҳол энерготаъминот қорхонасига аниқлик киритиш мақсадида маълум қилиш;

энергетика тизимининг «Электрхисоб» компьютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон рақами (боғланиш нуқтасига) шунингдек бошқа бирон реқвизитлари ўзгарган ҳолда истеъмолчи дарҳол электр таъминоти қорхонасига хабар бериши;

Қорхона ва «Ўзэнерготиқсеция» қонуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Корхона вақилнинг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камидан бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва undan юқори бўлган қувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори, энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

Истеъмолчи конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Уланган қуввати 250 кВа ва undan ортиқ бўлган истеъмолчилар мазкур Қоидаларнинг 127-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш — умумий ишлаб чиқариш ва технологик, яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича, йиллик, чораслик ва ойлик — уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси тақомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самардорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини тақомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тақдимланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. Корхона куйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчилан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажарилишни талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан etkazилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Истеъмолчининг электр тармоғидан узиб қўйиш;

электр ҳужжалиги объектларида авариявий ҳолатларни олдини олиш ёки уларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар куриш зарур бўлганда истеъмолчининг огоҳлантирмай ва у билан келишмай унга энергия etkazиб беришни чеклаш;

Корхонанинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭХНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчинин олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узини.

Корхона конунчилиқка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчининг электр тармоқларидан узилгандан кейин юзга келган ҳолат учун Корхона жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона куйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунгазам etkazиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр ҳўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчининг электр энергиясини etkazиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ etkazиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб қоборини;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда etkazиб берилган энергия ҳисобини қоритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган тақлифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчиде ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатгиш ва техник хизмат кўрсатишни, пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари дават стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини etkazиб бериш.

Корхона конунчилиқка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларида, Корхона бунинг натижасида etkazилган зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса etkazилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолнинг белгиланган режимида риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватнинг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани тўғрисида сифатли электр энергияси etkazиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани солаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини etkazиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

Истеъмолчини электр энергиясидан сузилганда ёки энгиб булмайдиган куч холатлари тарбия холатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар

я таъминоти корхонаси уни билан боғлиқ булмаган вазиятлар оқибатига мавжуд ритилганда, "электр қурилмаларини тузилиши қондалари"нинг 1.2.18, 1.2.19 ва сосан истеъмолчилар томонидан электр таъминоти ишончилиги тоифаси бўлмаган (лойиха талаблари бажарилмаганда) холда истеъмолчиларга киритилган ишча келиб чиқадиган низолар буйича истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

ртномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишимовчилик ва низолар оли хал қилинади. Келишимовчиликларни музокара ўтказиш орқали хал қилишнинг р қонунчиликда белгиланган тартибиде хал қилинади

VI. ЯКУЗНИЙ ҚОНДАЛАР

20 22 йил 21 09 гача бўлган муддатта тузилади.

ритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди ва кейинги ойдан кучга киради.

амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор бермаган бўлса, шартнома кейинги хар бир йилга узайтирилган ҳисобланади и бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан қилиши лозим.

ртнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг хар бирида сақланаётган тлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми

инг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, р қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган холда ва томонлар ўзаро шarti билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма

ртириши ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, и шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қондалар Вазирлар йил 12 январда 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан и ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ: Жарқургон тумани Янгибод маҳалласи
Юридик манзили Жарқургон тумани Янгибод маҳалласи "Пахта завоаб" ш.а.х
Ҳисобрақами 100022860222172542402170001
Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 207264223
Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:
Бюджет фондидинг ҳисобрақами

Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____
Бюджетдан ташқари фондидинг ҳисобрақами _____
Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____
ҚҚС тўловчининг коди _____
Телефонлар: 937900677 **Факс:** _____ **е.теп:** _____
(Истеъмолчининг, шу эсулдан рақбарининг уяли, факс телефонлари коди электрон манзила ёзилади)
Кадастр№ 19:05:04:01:07:0265

Статистик кодлар:

ОКЭД _____
СООГУ _____
СОАТО _____
КФС _____
КОПФ _____
ОКПО _____

КОРХОНА: ЖАРҚУРГОН ТЭТК

Почта манзили **Жарқургон тумани Янгибод маҳалласи Хаулақ кучаси №** **уй**
Ҳисобрақами 22636000700427199401
Банк коди (МФО) 01045 (ИНН) 200475661
ҚҚС тўловчининг коди _____
Телефонлар: 955010648 993378913 **Факс:** _____
Статистик кодлар:

СООГУ _____
СОАТО _____
КФС _____
КОПФ _____
ОКПО _____

Истеъмолчи:

Жарқургон ТЭТК
М.У. Ибраҳимов, Ф.И.О.
М.У. Ибраҳимов, Ф.И.О.
КОРХОНА
ТУМАН
ЖАРҚУРГОН ТЭТК
М.У. Ибраҳимов, Ф.И.О.

ҲУҚУҚШУНОС ҲУЛОСАСИ:

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси _____ ҳуқуқшуноси _____

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 12-январдаги 22-сонли қарори талабларига мувофиқ тузилган. Тошонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонуқчилик талаблари мотийлик қилмайди. Шартнома иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва «Ҳуқуқлик қоритиш субъектлар фаолиятининг шартномалик ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонуқ талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида қонуқий қилинган. Шартнома қосидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги илзоми хал қилиш тартиби белгиланган.

Ҳуқуқшунос: _____
(имсои)